

1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИКА  
БОШЛАГАН



# Тасжма

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

## ЧАЙҚОВ БОЗОРИНИ ГУЛЛАТАЁТ- ГАНЛАР

Савдо соҳасидаги турли ҳуқук бузишлар истеъмол бозорида бусиз ҳам кескинлашиб турган вазияти анчагина мураккаблаштирилмоқда. Жиззах вилояти ичкни ишлар идораларининг ИЖК бўлинмалари шу йилнинг биринчи кварталида харидорларни алдада ва тарозидан уришларнинг 107 фактини аниклашди, шу жумладан вилоят матлубот уюшмаси тизимида 73 факт очиб ташланди. Яшириб қўйилган молларнинг умумий киймати 10 миллион 631 минг сўмни ташкил этди.

Савдо тизимида товар-моддий қийматларни ўғирлашнинг 24 факти аникланди. Ўғирликларнинг аникланган қиймати салкам ярим миллион сўмни ташкил этди. Гоятда тақчил ва харидоргир саноат бўюмларнинг савдо ходимлари ёрдамида чайқов нархида гайриқонуний тарзида сотилишининг 40 факти очиб ташланди. Савдо ходимларидан мол сотиб олган чайқовчилардан I миллион 532 минг 500 сўмлик турли буюмлар мусодара қилинди.

Жиззах тумани қишлоқларидан бирида март ойида M. деган киши 20 шиша ароқнинг ҳар бирини 550 сўмдан сотаётган пайтида ушланди. Унинг уй текширилганда ароқдан ташкири 20 қоп биринчи нав ун, 5 минг кутидан ортиқ кир ювиш порошоги топилди.

Галлаорол туманинаги Исмоилов номли давлат ҳўжалигида тезкор тадбирларни ўтказиш чорига ИЖК хизмати ходимлари савдо қоидаларининг бузилганинги аниклашди. Чойхона ходими К. харидорга бир неча шиша ароқ, 20 дона кир ювиш 朔онинни сотаркан, уни 5 минг 296 сўмга тушириди. Чойхонанинг ҳусусий "дўкон"га айлантирилган омборхоналаридан оширилган нархда сотиши учун тайерлаб қўйилган 38 шиша ароқ, салкам 600 кути сигарет, 240 дона соуви, 159 килограмм чой, консерва ёпдиган 640 қопқоқ, 24 қоп гуруч, 40 метр газмол, юзлаб килограмм конфет ва печенье, анчагина кути гутурт топилди ва Ҳусодара қилинди.

Пахтакор туман матлубот жамиятига қарашли 13-дўкон мудири A. беш шиша ароқ ва сигаретни сотиши чорига харидорни 1315 сўмга чув тушириди.

Дўстлик туманлараро базаси омборининг собиқ мудири M. соҳалаштирилган ҳужжатлардан фойдаланиб, ўттиста палосни яшириб қўйган, бир кисмини базада туриб олди.

Жиззах туман матлубот жамияти 43-дўконнинг мудири X. 159 минг сўмлик молни, шу жумладан эркаклар костюмлари ва чинни буюмларни эркин сотишдан яшириб қўйган.

Буларнинг ҳаммаси товар-моддий қийматларнинг истеъмол бозоридан чайқов бозорига кўчиб ўтиши кучаяётганидан далолат беради. Вилоят ИЖК хизмати ходимлари иқтисодиёта, шу жумладан савдо соҳасида ҳам жиноятларни барҳам топтириш бўйича куч-харакатларни доимий равишда кучайтириш зарур деб ҳисоблаётгандар бежиз эмас.

К. СОБИРОВ,  
Жиззах винояти.

Республика Президенти И. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт ўйли" ва "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" китобларини бутун республика аҳолиси қизғин муҳокама қилмоқда. Ички ишлар вазирлигининг Шахсий таркиб билан ишлар хизмати ходимлари ҳам бу рисолаларни муҳокама қилиш учун тўпланишиди. Йиғилишни Республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлар хизмати бошлигининг мувонини, ички хизмат подполковники Бахтиёр Носиров очди ва олиб борди.

Рисолалар юзасидан ШТИХХҚБ бошлиғи,

...Қашқадарё вилояти, Косон туманинаги Ҳўжақудук қишлоғида яшовчи Э. Примқуловнинг (еши біда) ҳовлисидан ўн минг туп кўқнори кўчачи топилиб, ўйқ қилинди.

...X. Пойнов 1966 йилда тугилган. Жиззалик маҳалласида яшайди. Ҳовлисидан беш минг туп кўқнори топилиган.

Шу ва шунга ўхаша далиллар вилоядада ўтказилаётган "Қорадори-93" тадбирида жуда кўплаб учради.

Сиз кўриб турган ушбу суратда тадбири жараенида фаоллик кўрсатган катта участка вакили, милиция майори Мөхмон Шерназаров (чапдан), жиноят-қидирав бўлинмаси тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Мурод Наримонов ва катта участка вакили, милиция капитани Бободўст Эсоновлар ўйқ қилиб юборишига тайерлаб қўйилган

А. ҲАҚИМОВ олган сурат.

### Икки жума оралиғида ЖОНИ ОМОН ҚОЛДИ

Намангандаги паррандачилик фермасининг собиқ котиба-машинисткаси Н. X. фабрика маъмурлиги биноси ёнида устидан бензин қўйиб, ўт қўйиб юборди. Натижада у турли даражада тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Маълум бўлишича, Н. X. ҳомиладорлик таътили тугагач, ишига қайтиш учун фабрика раҳбариятига учраган. Бироқ рад жавобини олгач, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган.

Суриштирув ишлари олиб бориласпти.

### АВТОСАРОЙГА ўТ ТУШДИ.

Жиззах шаҳридаги "Жиззахтранспорт" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 20-автосаройда ёнгирни чиқиб, олтига "Икарус", битта "ПАЗ" автобуслари ёниб кетди.

Ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

### ТУНГИ БОСКИНЧИ

Қиброй туманинаги Салор кўргони, ТошГРЭС кўчасида истиқомат қиладиган, 1958 йилда тугилган А.А.нинг хонадонига тунда номаълум шахс бостириб кириб, уни калтаклаб, тўрт хил сариқ металлдан ясалган тақинчоқларини олиб кетди. Кўрилган тезкор чора-тадбир туфайли тунги босқинчи ушланди.

### ТОНГДАГИ ПОРТЛАШ

Жиззах вилоятинаги "Ўзбекистон" давлат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган "Сўғдиёна" ташхис маркази биносида эрта тонгда портлаш юз берди. Натижада бинога, тиббиёт асбоб-ускуналарига моддий зарар етказилди. Жабр кўрганлар ўйқ. Портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

### ҒАЛЛАЗОРДАГИ ЯРАДОР

Галлаорол туманинаги Кўкгумбаз қишлоғи галлазори ичидан ўқотар қуродан яраланган, беҳуш номаълум эркак киши топилди. У касалхонага ётқизилди. Тафсилотлар аниқланмоқда.

### ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Норин туманинаги Ҳаққуловбод темир ўйлекатида Наманганд-Тошкент ўйналишидаги поездга чиқиб пайтида Сигбатуллин кўчасида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1960 йилда тугилган М. X.нинг ёнидан 7 килограмму 75 грамм кўқнори топиб олиниди. Терговни ИИБ олиб бораёт.

### УРИБ ўЛДИРДИ

Бухоро шаҳар Тўқимачилар туманинаги Уль-

Қонунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

№№ 45 — 46

(2582—2583)

1993 ЙИЛ

11 ИЮНЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН  
НАРХДА

### МУҲОКАМА

Милиция майори Ў. Жўраев маъруза қилди ва уларда белгилаб берилган йўналишлар бўйича бугунги кунда ИИВ ходимлари олдида турган вазифаларга тўхтади.

Муҳокамада қатнашган ИИВ Матбуот маркази бошлиғи, милиция катта лейтенанти И. Минавваров, Шахсий хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат полковники Я. Тимошенко, "Постда" — "На посту" газеталари мухбири М. Тиллаев ва

бошқалар китобларнинг бугунги кун нуқтаси назаридан нақадар аҳамиятли экани ҳусусида тўхтадилар. Мутолаа жараёнида тугилган фикр-мулоҳазалар билан ўтоқлашдилар. Йиғилишда, шунингдек, бугунги ўтиш даврида шахсий таркиб олдида турган вазифалар ҳусусида маслаҳатлашилди. Хизматни янада мукаммалаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари ҳусусида сўз юритилди.

Ушбу рисолалар талабларидан келиб чиқсан ҳолда ички ишлар идораларига тавсияномалар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.



янов кўчасида яшовчи, иккинчи гурух ногирони, 1942 йилда тугилган А. Г. уйидаги ўзаро жанжал туфайли хотини М. И.ни уриб ўлдириди. Жиноятчи ушланди.

### ТУНГИ ЗЎРАВОНЛАР

Асака шаҳрида уч номаълум шахс тунда Уш вилоятинаги Аравон туманинаги "Янгийўл" жамоа ҳўжалиги ишчиси, 1965 йилда тугилган X. X. бошқарувидаги М-412 белгили автомашинани тўхтатиб, унинг ўйловчисини калтаклаб, хилват жойта олиб боргандар ва ундан 63 минг сўм пул талаб қилгандар ва сўнгра қўйиб юборгандар.

Жабрланувчининг ёрдами билан зўравонлар аниқланниб, ҳибга олиниди.

### АНИҚЛАБ БЕРИШАДИ

Охунбобос туманинаги 16-богча мудираси З. А. бекатда автобус кутиб турарди. Иккя номаълум шахс унинг ёнида пайдо бўлишиди ва пайт пойлаб мудира қўлидаги халтани юлиб, қочиб қолишиди.

Маълум бўлишича, мудирининг халтасида борчча ишчиларига тарқатиш учун олиб кетаёттан 6600 сўм пул бўлган экан. Юлгичлар буни қаердан билишиди?

Бу сирни ички ишлар ходимлари яқин ўртада аниқлаб беришиди.

### ТАНОБИ ТОРТИЛАДИ

Урганч — Ҳазорасп оралиғида номаълум шахслар 98-Москва — Самарқанд ўйналишидаги поезд вагон-ресторанида безорилик уюштириб, шу ресторон директори А. нинг 33 минг сўм пулни тортаб олишиди. Поезд Ҳазорасп бекатига етиб келгач, безорилар вагон ойналарини уриб синдиришиди.

Кўрилган тезкор чоралар натижасида брезорилик ташкилотчиларидан бири — Ҳазорасп туманинаги "Дўстлик" жамоа ҳўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1960 йилда тугилган М. Аниқланниб, қўлга олиниди. Унинг ҳамтвоқларини ушланаш чоралари кўрилганти.

### ҚИДИРИЛЯПТИ

Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар касалхонаси ҳамшираси К. О. уйининг эшигини номаълум шахслар бузуб кириб, у ердан 80 минг сўмлик турли кийим-кечакларни ўтираб кетишиди.

### ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Марҳамат туманинаги У. Қорабов номли жамоа ҳўжалигининг сабзавотчилик бригадаси даласидан оқиб ўтадиган ариқ ичидан қўл-оёқ ва бошисиз эркак кишининг танаси топилди. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

Т. МУРОДОВ.

### Пул бўлса...

Кейинги пайтларда миллионлар ҳақида гап кетса одамларнинг капалаги учмайдиган бўлиб қолган, худди шунча пулни уйда бостириб қўйгандай... Тўғри, шу кетишида, насиб қилса, бир-иккя ўйларда маҳсимиш миллиондан ҳам ошиб кетадиганга ўхшайди. Аммо бу кейин Ҳозир эса бунча пул ҳаммада ҳам топилавермайди. Лекин борлар ҳам ўйқ эмас.

Яқинда республика ИИВ Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг ИЖК бўлими ходимлари Тошкент аэропортида 15 миллион 400 минг сўм пулни яширин равишда олиб чиқиб кетмоқчи бўлган бир аёлни қайтариб қолишиди. Пойтахтнинг Юнусобод мавзенида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган бу жувон пулларни маҳсус тикилган иккита белбоқча жойлаб, белига боғлаб олган экан (Ҳаёллараст абитурентлар шпаргалкалар учун ишлатадиган белбоғларни эслаш кифоя).

Жувоннинг таъкидлашича, бу пуллар эри — Афғонистон Республикаси Фуқаросига тегиши экан. Москвадан уй сотиб олишмоқчи бўлишган, аммо республикадан олиб чиқиб кетилиши мумкин бўлган пулнинг миқдори чекланганидан ҳабари ўйқ эмиши.

Ушбу ишни фош этишида қатнашган ИЖКБ катта тезкор вакили, милиция майори Анвар Садриевнинг айтишича, бу иш ва пуллар Бож

## БОЛАЛАРНИ ЁНГИНДАН АСРАНГ

1993 йилнинг ўтган тўрт ойи республикаизда 7112 та ёнгин содир бўлиб, келтирилган зарар 132 милион сўмдан ошиб кетди. Ёнгинлар асосан фуқароларнинг тураржойларида (5536 та) юз берид, 100 киши ҳалок бўлган ва 844 киши турли даражада тан жароҳат олган. Ишлаб чиқариш корхоналарида 359та, маъмурӣ ва маданий-маший биноларда 310та, кишлоп хўжалиги тармоқларида 186 та, омбор ва савдо шоҳобчаларида 127 та ёнгин чиқди. Улар, асосан, иситиш асбларининг носозлиги (2314 та), оловдан эҳтиёtsизлик билан фойдаланиш (1625 та), электр ускуналарининг носозлиги (1496 та) ва, энг ачинарлиси, болаларнинг олов ўйнашидан (1204 та) содир бўлган.

Масалан, 1993 йил 13 февраль куни Фаргона вилояти Бувайда тумани, Бувайда қишлоғида истиқомат қилувчи Жўраевлар оиласида шундай бўлди. Кечкурун 1986, 1987 ва 1990 йилда тугилган учта гўдак уйда ўрнатилган сандал атрофидаги каровсиз ёлгиз қолдирилган. Ухлаб ётган болалар сандал атрофига тўшалган кўрпача тутаганини сезмаганлар. Натижада чиқсан тутундан қаттиқ заҳарланиб, учала гўдак ҳам нобуд бўлган.

Худди шу куни Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Эйвolek қасабасидаги саккизинчи уйнинг 43-хонадонида иситиш асбобини ўйнашганлиги натижасида ёнгин чиқиб, 1991 йилда тугилган Саша Кисилюк тутундан қаттиқ заҳарланиб ўлган, унинг акаси эса оғир ахволда касалхонага ётказилган.

15 февраль куни Фаргона шаҳар Охунбоев мавзеи, А. Қодирий кўчаси, 25-йда истиқомат қилувчи Қодиров хонадонида ёнгин содир бўлди. Натижада қаровсиз қолган икки гўдак оламдан эрта кўз юмдилар.

19 марта куни Навоий вилоят Кармана шаҳри К. Раҳимов номли жамоа хўжалигига истиқомат қилувчи И. Шарипов хонадонида кўлда ясалган газ пекасидан чиқсан ёнгин оқибатида 1990 йилда тугилган эгизаклар Юлдуз ва Юнус ҳалок бўлишган, онаси Х. Шарипова эса 1-2 даражадаги тан жароҳати билан касалхонага тушган.

Афуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мактабларда сўнгти кўнгироқ жаранглади, ўқувчилар оромгоҳларга отландилар, кўпчилик фарзандларимиз эса ўз турар жойларида қолиб дам олмоқдилар. Шу сабабли отоналар ёнгиннинг олдини олиш коидаларига янада қаттироқ амал қилишлари керак.

Болаларни қаровсиз қолдириш, ёш болаларга газ пилтапларига ўт ёкишини буюриш ва кичкинтойларни гугурт ва олов билан ўйнашларига бепарвоник билан қараш хунук фожия ва мудхиш оқибатларга олиб қелишини хеч қачон унутмаслик керак.

**Ф. БОБОХЎЖАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлигининг  
Ёнгиндан сақлаш  
бошқармаси мухандиси.

Хизмат тақозоси билан вилоят худудида содир этилаётган жиноятларнинг кундаки маълумотномасини кўздан кечирааман. Узок кузатишлар натижасида ўғирликка аёллар ҳам кўпроқ кўл ураётгани маълум бўлди. Эгри ўйлга кирган аёллар ичидаги ёшлар билан бир каторда ёши улут, ҳаётнинг ачиқ-чучугуни тутганлари ҳам борлиги одамни ўйлантириб кўди.

Бухоро шарифда яшовчи 54 ёшли Т. К. ҳеч ким ўқулигидан фойдаланиб, Антоновнинг уйига калит таилаш ўйли билан киради ва оила жамгармасидаги 10.000 сўм пулини ўмарб кетади. Бошқа бир, 53 ёшли М. исмли аёл фуқаро Файзиевнинг уй ёшигина бузуб киришдан ҳам қайтмади. Шу ўйл билан унинг мол-мулкини ўғирлади. Кўриниб турибди, ҳар икки текинтомок аёл ҳам анча ёшга бориб қолган нафақаҳўр.

Давлатимиз мурувватидан баҳраманд бўлиб турган бу аёллар ёшларни діянат ўйлига бошлаш, уларни ҳалол ўшағга даъват этиш ўрнига ўзлари қабиҳликка кўл уришганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай нопокларнинг тутган умрига ачинасан киши.

Аёллар томонидан содир этилаётган ўғирликлар кўламига

## ...ЗАИФАЛАР

назар солсангиз, жиноятга кўл ураётганилар асосан ҳеч қаерда ишламайдиган, фойдали меҳнат билан шугулланмайдиган кишилар эканига гувоҳ бўласиз.

Мунира эндигина 17 ёшга, Дилфуз 18 ёшга кирган, улар пешона тери тўкиб пул топлини ўрнига онопок ўйллар билан бойлик ортиришини касб қилиб олишганди. Бири уйга ўғирликка тушган бўлса, иккинчиси куппа-кундуз давлат идорасига кириб, бир ходимнинг ишхонасида қолдириган суммасидаги 13 минг сўм пулини ўғирлаб кетган. Ўн гулидан бир гули очилмаган бу кизлар темир панжара ортига ўтқазилди. Улар турмуш куриш, бола-чақали бўлиш, уларни тарбиялаш ўрнига кизлик гуруни оёқости килиб, аёл деган муқаддас номга иснод кетилиб ўтирибди.

Яна бир мисол: 22 ёшли ҳеч қаерда ишламайдиган Ш. У. уч нафар ҳамширининг чўнтакларини «коқиб» кетган. Бироқ у кўп ўтмай навбатдаги жиноят устида ушланди.

Якинда Бухоро давлат педагогика дорилғунунининг Н.

исми талабаси ички ишлар бўлимига мурожаат этиб, кўчада бир аёл унга дўқ-пўписа килиб, кўлдаги 2 минг сўм солинган суммасини тортиб олганини маълум қилди.

Кўрилган тезкор чоралар туфайли зўравон аёл аникланиб, кўлга олини. Дастлабки сўрокаёт ўйлусар айбии бўйнига олиб, кўз ёши қилди. Бироқ кейинги пушаймон — ўзинга душман, дейишида. Сўрокаётини ўйларни ўғиртираётб жиноятчанинг касби тарбиячи эканини билib қоламан. Астафирулло! Тарбиячи аёлнинг ўзи юзтубан кетган, тарбияга муҳтож бўлса? У тарбиялаётган ёшлардан келажакда нима ҳам кутиш мумкин? Йиллар давомида орзу килиниб, мустақилликни кўлга киритган ўзбекистонни буок давлатга айлантириш ана шу биз тарбиялаётган ёшлар кўлида эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз лозимлигини нега тушуниб етмаямиз?

Ж. Р. 25 ёшда. Бухоро ишлама тикув бирлашмасида

мехнат қилади. У мукаддам судланган С. М. билан олдиндан келишиб шаҳардаги деҳкон бозорида қишлоқдан келган деҳкон аёлнинг чўнтағидан 725 сўм пулини ўғирлаб кўяди. Лекин, у ўлжасини узоққа олиб кетолмайди...


Кўриниб турибди, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони анча-мунча. Жиноятчи аёллар турли тоифада, улар томонидан содир этилаётган жиноят усуслари ҳам хилма-хил.

Баъзи бир жиноятчи аёллар тузоққа илингач, "ўғирлик килишга мени иқтисодий кийинчилик мажбур эти" деб кўкракка уришдан нари ўтломаятилар. Тўғри, иқтисодиётимизда бирмунча кийинчиликлар бўлиб турибди. Бироқ, бу кийинчиликлар вақтинча эканлигини, мустақил республикаиз иқтисодиётини кундан-кунга барқорлашиб, ривожланиб бораётганлигини унутмаслигимиз керак. Колаверса, ҳар кандай шароитда ҳам жиноят қилинди, вассалом, у ким бўлишдан катъи назар конун олдида жавоб берини лозим.

**Шуҳрат КЎЛДОШЕВ,**  
**Бухоро вилояти ИИБ матбуот**  
**турухи**

## "ҚЎЛБОЛА" АРОҚ УСТАЛАРИ

Олти нафар уддабурон йигит Самарқанддан тўрт тонн спиртни яширича олиб келишиди. Жуда кўп микдорда минерал сув сотиб олишиб, шиша идишни заҳира қилиб олдилар. Бундан икки ёқлама фойда кўрмоқчи эдилар: биринчидан, минерал сувнинг ўзи ҳам ортиқчалик қилмайди, иккичидан, шишага хонаки тайёрланган спиртли ичимликни куйиш учун идишни ювишга овора бўлмаслик мумкин. Бир неча минг шиша қўлбola арок тайёрлаб, уни тўй ва базм килувчиларга пуллай бошлаши. Нархи анча мақбул — давлат баҳосидан пастроқ қилиб белгиланди, тўғрисини айтганда



ичкилик на спиртнинг сифати, на ўткирили билан давлат савдосидаги арокдан фарқ килмасди. Бироқ улар Жиззахда бор-йўти уч кунгина ишлашга муваффақ бўлишди. Вилоят ИИБ ИЖКК бўлими ходимлари ишни чўзиб ўтирадилар, топқир арокчиларнинг фаолиятлари авжига чиқишга улгурмади. Теров туталанди, суд бўлиб ўтди. Айборлар тури муддатларга озодликдан маҳрум этилишга хўм қилинди.

**К. МУСАЕВ.**  
Суратларда: қалбаки арок тайёрланувчи яширин цехда.  
Э. Қўзиев олган суратлар.

### Қашқадарёдан хабарлар

#### ЖАЗОСИ ЎЗИ БИЛАН

Карши шаҳридан пиво заводига карашли дўкон сотувчиси И. Г. сув текин кабилида ўзига карашли пиводан кўп истеъмол қилиб, оёги олити холда уйига етиб келди. Кургур пиво шайтон сувидан тайёрланган эканни, уни бетоқат қилаверди. Охир-окибат бу ўзи яшаётган З-каватдаги хонадоннинг балконидан ташкирига бўйлаган ёди ҳамки, боши оғирлиқ қилими, чирпирак бўлиб кўйдан ерга "парвоз" қилди. Окибатда у касалхонага тушди. Ўз жонига ўзи жабр сотиб олади, деб шунга айтадилар-да!

#### ПЕШТАХТА СИРИ

Якабог тумани Авангард матлубот жамиятига карашли савдо дўкони мудири Мурод Н. дўкон омборида 216 шиша "Империал" ароги, 345 шиша "Рояль" ароги, 24 шиша шампан виноси, шунингдек "Ўзбекистон" сигаретларини кутиси билан яшириб кўйганлигини туман ички ишлар бўлими ходимлари фош этишиди. Молларнинг умумий киймати 1 миллион 51 минг 988 сўмни ташкил этди. Унинг кўрсаттани важи тош босмади.

Суриштириш ишлари олиб борилмоқда.

#### МАҚТАНЧОКНИНГ ПАТИ ЮЛИНДИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси катта нозирни милиция капитанни Махматқобил Каюмов кечки навбатчиликдан қайтаётганди, коронгулидан отилиб чиқсан бир кимса: "Кани, шоввоз нима қилиб юрибсан", — деб тутасдан ўдагайлай бошлади. Ҳатто: "Кеча 4-5 болага наша чекмаларинг, дебсан, нима ҳакинг бор?", — деб томдан тараши тушгандай дўқ-пўписага ўтди. Милиция ходими унинг бу ҳароатларидан довдираб қолмади. Тунги Барзанининг ёнида унга нафар ҳамтоворига пайдо бўлди. Шу пайт жиноят-кидирув вакили милиция лейтенанти Уткир Ҳушвақтос ҳам мажор устидан чиқиб келди.

Дўкондор килмиши учун пушаймон бўлса-да, оқар сув оқиб бўлганди. Теров ҳароатларни давом этишиди. Сароб Бўлди

Баҳром эса кўлга олини. Ундан Италия маҳсулоти бўлган "Олимпик-6" тўппончаси ва 4 дона ўқини тортиб олишиди, Куролли шахс Б. А. бўлиб чиқи.

Чиранма гоз, хунарнинг оз, деб халқимиз бежиз айтмаган. Б. А. устидан Карши шаҳар ИИБда суриштириш ишлари олиб борилмоқда.

#### ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎК

Якабог тумани Авангард матлубот жамиятига карашли З-дўкон мудири Т. Нормуродов билса ҳазил, билмас чин қабилида хорижий давлатлар маҳсулоти бўлган 4 миллион 836 517 сўмлик харидоргир молларни дўкон омборида яшириб кўйган экан. Буни милиция ходимлари сезиб қолишиди. Ҳазилинг ҳам эплаган уддасидан чиқади-да.

Дўкондор килмиши учун пушаймон бўлса-да, оқар сув оқиб бўлганди. Теров ҳароатларни давом этишиди.

#### САРОБ БЎЛДИ

Баҳористон туманида яшовчи Турди Б. Нинг ховлисида 9020 тулғиҳванд ўсимликтарни тутасдан аникланди. Шунингдек, унинг ўйидан 1 килограмм 690 грамм гиёҳванд модда ва 1 килограмм 278 грамм

гиёҳванд ўсимликтин уруги олини. Инсон умрининг эгови бўлган гиёҳванд маддаларни тўплаш ва уни оғизга сиқсан баҳода пуллаш иштиқида ёнган Турди Б. Нинг ширин орзулари саробга айланди. Суриштириш ишлари туман ИИБда олиб борилаётir.

**КУРОЛЛИ ШАҲС**  
Тошкент шаҳрида яшовчи Жўра ўзининг шахсий ВАЗ-2109 белгилари автомашинасини Карши шаҳридан марказий кўчалардан бирда бошқарлиб келаётгандан вилоят ДАН ходимлари томонидан туткетилиди. Ҳайдовчининг ёнидан бир дона "РС" белгилари жантовор граната ва 16 грамм кўнгор олини. У турли баҳоналарни рўяқ килди, аммо ваки мажор олди. Ҳарши шаҳар ИИБда текшириш ишлари ўтказилмоқда.

**АРОҚНИНГ ҚОРА ИШИ**  
Вилоят сув хўжалиги бошқармаси ишчиси Л. Зоренков сув насоси станциясида ишлай туриб "обизамзам"дан жиндек отиб кўйди ўз умрининг заволига етди. Ароқ тарбиясида ҳароатли бўлиб чиқди. Кўза кунда эмас, куниди син



Ўтган, 1992 йил давомида ва шу йилнинг 4 ойи мобайнида шаҳар ҳудудида бир неча бор "Комплекс", "Тун", "Тўсиқ", "Тўр" ва "Фамхўрлик" каби тадбирлар ўтказилди. Улар 1992 йил давомида жиноятчиликнинг, айниқса унинг оғир турларининг камайишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Жумладан, муқаддам судланганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 4,8 фоизга, маст ҳолда қилинган жиноятлар 22,5, балоғатга етмаганлар томонидан қонун бузилиши эса 23 фоизга камайди.

Мазкур тадбирлар жорий йилда ҳам қатъий равишда олиб борилмоқда. Шу йилнинг 4 ойи мобайнида 890 нафар муқаддам судланган шахсларнинг ҳаёт тарзи текширилди, 953 нафар паспорт қоидаларини бузган фуқаролар аниқланди. Бундан ташқари маст ҳолда транспорт бошқарган ҳайдовчиларга тегишилор чоралар кўрилди.

Агар содир этилган жиноятлар ҳақида аниқ мисоллар келтирадиган бўлсак, қўйидагиларни айтиш жоиздир:

Тахминан соат 23 ларда номаълум шахс А.Б. Розий кўчаси 9-йилнинг 85-хонасига кириб, шу хона соҳибаси, 1963 йилда туғилган, фуқаро М. Ойхўжаевани бўғиб ўлдиради ва унинг 7 ойлик гўдак боласи борлигига қарамай, ўзининг ёвуз қилишини яшириш мақсадида ўйга ўт кўйиб юборади ва гойиб бўлади. Натижада, тутун ва олов ичидаги қолган норасида ҳам ҳалок бўлади. Содир этилган жиноят ва унинг мудҳиш оқибатлари шаҳар аҳолиси ўртасида шов-шувга сабаб бўлди.

Тезлик билан ушбу жиноятни очиш ва жиноятчими кўлга олиш учун, жиноят-қидирив бўлими ходимлари ва тажрибали изкуварлардан иборат махсус гурух тузилиди. Уларнинг тезкор ҳаракатлари, юқори касб маҳоратлари туфайли, икки кундан кейин ушбу ваҳшийликни содир этган, Самарқанд шаҳрида яшовчи, 1959 йилда туғилган И. қўлга олинади. Дастрлабки тергов натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу шахс мудҳиш ишга ўзининг гараз нияти туфайли қўл урган, М. Ойхўжаевани ўлдириб, унинг 100 минг сўмга яқин пулини ҳам олиб кетган.

Товламачилик ва унинг оқибатлари ҳаммага мълум. Бу жиноятлар асосан одамларни алдаш, уларнинг ишончини қозониш йўли билан содир этилади. Яқинда товламачилик ва фуқароларининг ўларини уриб кетиши бўйича гумондор, 1977 йилда туғилган (унинг ёшлигига аҳамият беринг), муқаддам судланган, Т.П. исмли фуқаро қўлга олинди. Қизиги шундаки, бу қизча ёш бўлишига қарамай кўп одамларни алдаб, ҳозирча аниқланишича, 14 та хонадонда фарибагарлик йўли билан ўғирлик содир этган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда (Ким билади дейсиз, у яна қанча жиноятга қўл урди экан). Бу саволга тергов ва

суд аниқ жавоб беради, албатта.

Жамиятнинг осойишталигига, ҳалқнинг тинч меҳнатига ва қолаверса иқтисодий-сиёсий шароитга ўта салбий таъсирини кўрсатадиган жиноят турларидан бирни ва ўта оғири — бу ўшган жиноятчиликдир. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қатори бошқармамиз шахсий таркибининг ҳам асосий вазифаларидан бирни ўшган жиноятчилик билан муросасиз кураш олиб бориш. Бу борада нафақат шаҳарда, балки вилоят ва республикамизда ҳам кенг кўламда тегишил тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтказилган ишлар натижасида, бир қанча ўшган жиноят гурухларнинг вакиллари қўлга олиниди.

Таъкиба шуни кўрсатмоқдаки, ўшган жиноят гурухлар ва уларнинг раҳнамолари ҳозирги қийин иқтисодий шароит даврида иқтисод соҳасига ўз тазиикларини ўтказишига ҳаракат қилмоқдалар, гайриқонуний "бизнес"га кириб бормоқдалар. Бунда савдо соҳасидаги айrim нопок мансабдор шахсларнинг ҳам "хиссаси" йўқ дейишига ҳеч ким ботина олмаса керак.

Охиригай пайтларда ўшган жиноятчиликка бир неча бор қарши зарба берилиди. Ўтказилган тадбирлар натижасида 12 килограмм атрофида наркотик мoddалари, 8 та турли хилдаги ўқотар, совук қуроллар, 8 миллиондан зиёд турли хилдаги қимматбаҳо камёб саноат ва маданий моллар топилди. Улар томонидан содир этилган 17 жиноят очилди. Тергов ҳаракатлари бундай катта миқдордаги камёб моллар қаердан келгани, қайси савдо ташкилотлари жиноятчилар билан тил биринчи таркиби таътиби, ҳайдовчидан бир жойга олиб бориб қўйишини илтимос қилишиади. Лекин, озгина юрилгач, улардан бирни Саломовга пичоқ ўқтарилиб, 2 минг сўм пули ва автомашинасини тортиб олишида ва номаълум томонга гойиб бўлишиади. Кўрилган тезкор ҳаракатлар натижасидагина, ушбу жиноят фошқилинди, жиноятга қўл урган — 1964 ва 1972 йилларда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган уч йигит қўлга олиниди.

Гиёхандликка қарши кураш бошқарма шахсий таркиbinинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бунда, нафақат нашавандларни фош қилиш, балки гиёханд мадданий ва бошқа оммавий маросимлар жараённида намунали жамоат тартибини сақлаш таъминланди.

Шу йилнинг 14 февраль куни ЗА-968 белгили енгил автомашина шаҳар кўчаларининг бирда тўхтатилиб, текширилганда, 3 килограмм 120 грамм кўкнори топилди. Дастрлабки тергов натижалари, Ургут туманини М. уни сотиш учун олиб кетаётганини

# САМАРҚАНД: ТАШВИШ ВА ЮТУҚЛАР

каттиқ қаршилик кўрсатдилар.

Босқинчилик жиноятнинг оғир турларидан биридир. Бу турдаги жиноятнинг ошиб бориши сабаблари кўп. Шулардан иккитасини айтиш жоиздир. Биринчиси — иқтисодий сабаблар, нарх-навонинг осмонга чиқиб кетиши. Иккинчиси шуки (айрим субъектив сабаблар мавжуд бўлсада), айрим ҳолларда жабрланувчилар босқинчилик содир этилгани ҳақида милиция идораларига хабар беришмайди. Бундай ҳоллар жиноятчилик, албатта, қўл келади, улар жазосиз қолишади ва яна жиноятга қўл уришади. Шуни таъкидлаш керакки, босқинчиликкни очиш одатда жуда қийинчилик билан амалга оширилади. Шунинг учун фуқароларнинг ёрдамлари ишни олдин кетишига, жиноятнинг тез очилишига ёрдам бериши мумкин.

Шу йилнинг 2 февраль куни тахминан соат 21 ларда номаълум шахслар шаҳарнинг Термиз кўчасида Саломов бошқариб бораётган енгил автомашинани тўхтатиб, ҳайдовчидан бир жойга олиб бориб қўйишини илтимос қилишиади. Лекин, озгина юрилгач, улардан бирни Саломовга пичоқ ўқтарилиб, 2 минг сўм пули ва автомашинасини тортиб олишида ва номаълум томонга гойиб бўлишиади. Кўрилган тезкор ҳаракатлар натижасидагина, ушбу жиноят фошқилинди, жиноятга қўл урган — 1964 ва 1972 йилларда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган уч йигит қўлга олиниди.

Гиёхандликка қарши кураш бошқарма шахсий таркиbinинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бунда, нафақат нашавандларни фош қилиш, балки гиёханд мадданий ва бошқа оммавий маросимлар жараённида намунали жамоат тартибини сақлаш таъминланди.

Шу йилнинг 14 февраль куни ЗА-968 белгили енгил автомашина шаҳар кўчаларининг бирда тўхтатилиб, текширилганда, 3 килограмм 120 грамм кўкнори топилди. Дастрлабки тергов натижалари, Ургут туманини М. уни сотиш учун олиб кетаётганини

мақсадлар билан келганларни аниқлашга ҳам катта кучимиз сафарбар этилди.

Шундай мураккаб вазиятда ходимларимиз майда ҳуқуқбузарликка қарши курашни сўсайтирмай, ўтган йил мобайнида 7784 нафар шахсга нисбатан маъмурий чоралар кўрдилар. Бу кўрсаткичлар 1991 йилга нисбатан 3255 та кўп демакдир. Натижада, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 4,7 фоизга, кўчаларда эса 3,8 фоизга камайди. Жамоат жойларида, кўчаларда халқнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш раҳбариятнинг кундалик эътиборидадир. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида, 1993 йилнинг биринчи чораги кўрсаткичларида бишлар яққол кўриниб туриди.

Агар ўтган йилнинг шу даврида жамоат жойларида 113 та жиноят содир этилган бўлса, 1993 йилнинг 3 ойи якунни бўйича бу кўрсаткич 93 ни ташкил этади, камайиша жараёни 17,6 фоиздир.

Ҳуқуқий ташвиш олиб боришига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Фақатгина мазкур йилнинг 1-чорагида участка вакиллари томонидан аҳоли ўртасида ва корхоналарда 230 марта ҳисобот берилди. Ушбу ҳисоботларда шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбарлари ва милиция бўлнималарининг бошлиқлари иштирок этишиди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш йўналишида камчиилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. 1992 йил давомида фойдалани меҳнат билан шуғулланмайдиганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони кўпайди.

Оилавий-маиший негизда содир этилаётган жиноятларнинг камаймаётгани бизни ташвишга солмоқда. Кўпқаватли уйлар жойлашган ҳудудларда тушунтирув-огоҳлантирув ишларининг савишини ҳамон паст даражадалиги у ерда истиқомат қилаётган фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш ҳоллари ошиб боришига олиб келмоқда.

Таъкидлаб ўтланган камчиилик ва нуқсонларни таҳлил қилиб, келажакда асосий куч уларни бартараф этишга ва жиноятчиликни олдини олишда кескин ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилади.

Биринчи навбатда муқаддам судланган шахслар билан олиб борилаётган ишларни кескин кучайтириш, спиртили-ичимликларни сунистемол қилувчи, ўз оиласига, болаларининг тарбиясига бефарқ қаровчи шахсларни ўз маошларидан фойдаланишларини кечлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни кучайтириш зарур.

Асосий эътибор шахсий таркиб ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомини янада мустаҳкамлаш, уларнинг касб маҳоратлари ва малакасини доимий ошириб боришга қаратилади.

**Б. МАТЛЮБОВ,**  
Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи,  
милиция полковники.

Улар бу йигитни сухбатга тортишиди:

— Айни куч-қувватга тўлган вақтингизда нон сотиси ўтиришга уялмайсизми?

— Йўқ, — деди йигит дангалига. — Чунки, мен минг сўмлик нон сотиси юз сўми ўзимга қолади. Бир кунда ўрта ҳисобда 15-20 минг сўмлик нон сотисман. Кунинга шунча пул чўнгтагимга тушуб тургандан кейин, уялишга нима бор?

Рейд аъзолари ўтказган текширув давомида 480 кило бугдой, 150 кило сабзи, 40 кило пиёз, 21 кило ўрик, 30 кило бодиринг мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказишиди. Шунингдек, бир қанча ўсимлик майи, чой, нон ва бошқа маҳсулотлар Фарғона шаҳар қариялар уйига юборилди. Бу ишларни амалга оширишда тиниб-тинчимас участка вакили, милиция лейтенанти Аҳмаджон Маматовнинг хизматлари бекиёсdir.

Абдулқадим АҲМЕДОВ.

## Участка вакиллари ҳақида ҳикоялар

### ХИЗМАТЛАРИ БЕКИЁС

Шу йилнинг 2 май куни деҳқон бозорида шаҳар ИИБнинг тезкор ходимлари, участка вакили ва халқ дружиначилари иштирокида навбатдаги рейд ўтказилди. Рейд аъзолари Олтиариқ туманинг Файзибод қишлоғига истиқомат қилувчи, Андикон медицина олийгоҳининг III босқич талабаси Шуҳрат Расулов гўшт консервалари ҳамда болалар озиқ-овқатларини чайқов нархиди. Бўлгуси шифокор айни пайтда академик таътил олиб, мўмай пул дардида чайқовчиликка кўл урганини яширамди.

Фарғона шаҳар ҳокими А. А. Отабоев яқинда шаҳардаги новвойлар билан мулоқотда бўлди. У сухбат чориги ҳозирги

иқтисодий аҳволга тўхталиб, новвойлардан ноннинг нархини 10 сўмдан ошириласлик ҳақида кўрсатма берди. Бироқ, шунга қарамай, шаҳардаги баъзи нафси ҳакалак отган новвойлар бу кўрсатмага амал қилмай ноннинг нархини 20 сўмгача қўтариб юборилдилар. Рейд аъзолари мана шундай учар новвойлардан Улугбек Қосимов, Улугбек Раҳмонов, Икром Рустамов кабилар фаолияти билан кизиқиб қўришиди. Маълум бўлишича, бу шахсларда на патент, на саломатликлари ҳақида соглиқни сақлаш идорасидан справкалари бор экан. Шунга кўра, уларнинг маҳсулотлари мусодара қилинди. Рейд аъзоларининг дикқатини тогни талқон қиласидан 23 ёшли йигит тортиди.

**ДУШАНБА****14 ИЮНЬ**

УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Бугунги хабарлар. 18.10 "Зебо, Зиёда ўйнан". Фильм-концерт. 18.35 Болалар учун. "Совға". 19.05 "Умрлар бўладики...". Академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Кўй ва соз соҳиби". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 Дони Зокиров номидаги ҳалқ ҷолгу оркестрининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Шаҳар бедарвоза эмас". 22.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Чўлпон. "Кече ва кундуз". Видеофильм премьера. 1-қисм. 23.25 Эртани кўрсатувлар тартиби.

**УзТВ II**

18.30 "Ассалому алейкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ўтмишис келажак йўқ". 20.30 "Лаҳза". Хабарлар. 20.45 "Билиб кўйган яхши". 21.05 "Йўл интизомни ёқтиради". 21.45 "Миринкорлар. 22.15 "Лаҳза". Хабарлар.

**"ОРБИТА IV"**

5.45, 7.40, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 "Спорт имконият". 6.20 "Ўз-ўзингга мадад бер". 6.55 "Якунлар". 7.45 "Рус олами". 8.25 "Инсон институти. 8.55 "Спорт ва цирк". 9.50 "Авиакосмик салон". 10.05 Шоир Н. Зиновьев билан учрашув. 11.15 "Эпкин ёзувлар ёки Соня билан Американи излаб-саҳат". 11.40 Режиссер Г. Панфилов фильмлари. "Мавзу". Бадий фильм. 13.15 "Шер, фил, кучук ва бошқалар...". 14.00 Янгиликлар. 14.25 "Пул ва сиёсат". 14.55 "Саёҳатчилар клуби". 15.45 "Улар менинг зигуликка ўргатишиди...". Е. Весник. 16.35 "Гол". Футбол шархи. 17.10, Учетти, туз. Телевизион ўйин. 19.40 Хайрли тун, кичконтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьера. таниширилади. 1-серия 21.10 "Спорт уик-энди".

**Янги студия****таниширилади:**

21.30 "Вазият". 22.15 "Бомонд". 23.35 "Ассалому алейкум!". 00.10 "Монтаж". Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

**"ДУБЛЬ IV"**

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ** 7.25 "Ангара каскади хусусида ёхтирослар". Ҳужжатли фильм премьера. 7.50 "Рябинушка". Урал рус халқ хорининг концерти. 9.05 "Пигмалион". 9.35 "Кузирхоним". 10.05 "Одимлар". 10.50 Мульти-пульты. 11.00 "Мансаб". 12.05 "Москвагача олис". 12.50 "Деҳқонларга тааллукли масала". 13.15 Кундузи сеанс. "Тутишгандан афзал". Бадий фильм. 14.45 Гранд репортаж. "Чет эллиларнинг Россияядаги саргузашлари". 15.35 "Кутқариш хизмати 9II". 16.30 "Элчи қабулхонаси".

**\*****17.00—19.05****ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ****\***

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ** 19.05 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" танишириади. "Кульминация". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 20.00 "Ҳақиқат онлари". Андрей Караполов саволларига Г. Каспаров жавоб беради. 20.55 "Экспомарказ" танишириади.

**\***

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

**\***

